

«ТАСЛИКЛАЙМАН»

СамДУ академик лицейи конкурс ҳайъати раиси

З.Хаитов



СамДУ академик лицейи учун жорий таъмирлаш хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон, суюлтирилган газ ва бошқа жиҳозларни харид қилиш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Хайъати йиғилиши

БАЁНИ

2022 йил, 25-июль

Самарқанд шаҳри

Раислик қилувчи

СамДУ академик лицейи молия иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари
З.Хаитов,

Иштирокчи аъзолари

А.Пардаев, М.Жумаев, Ф.Мамаюсупов,
Д.Жўрабоев

Котиб

И.Нуруллаев

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26-сентябрдаги ПҚ-3290 –сонли “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорига мувофиқ, ҳамда, 2018 йил 27-февралдаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 3-2018-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 33-сонли қарорларига асосан, академик лицейдан узоқда жойлашган ҳудудлардан қабул қилинган ва ётоқхонада яшовчи ўқувчиларнинг ота-оналари тўлови ҳисобига харажатларни қисман (ҳар ойда БХМ(базавий ҳисоблаш миқдори)нинг 1(бир) баробари миқдоридан) қоплаган ҳолда, қолган қисми давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли 3(уч) маҳал (нонушта, тушлик ва кечки овқат) овқатлантирилишини ташкиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси давлат харидлари қонунига кўра, ЎзРТХБнинг давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига 22110012122954-лот (ота-оналар тўлови махсус маблағлари) бўйича эълон жойлаштирилган.

Мазкур лот бўйича 2022 йил 20-июлдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган электрон баённомаси якунига кўра Ҳайъат аъзолари томонидан “Насим бобо Қаюмов” МЧЖ корхонаси голиб деб топилганлигини инобатга олиб, Ҳайъат


ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссиянинг электрон баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилган. Икки иш қуни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган электрон баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамда, комиссия аъзоларининг 2022 йил 20-июлдаги электрон баённомасига асосан, ғолиб “Насим бобо Қаюмов” МЧЖ корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Мазкур баённома ижроси назорати комиссия раисига юклатилсин.

Ҳайъат раиси



З.Хаитов

Аъзолар



А.Пардаев



М.Жумаев




Ф.Мамаюсупов



Д.Жўрабоев

Котиб



И.Нуруллаев

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ №122954

Самарканд шаҳри
(контракт тузилган жой)

«25» июль 2022 й.
(контракт тузилган сана)

“NASIM BOBO QAYUMOV” МЧЖ, кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари Н.Х.Қаюмов номидан бир томондан, ва, Самарканд Давлат Университети академик лицейи, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар А.М.Умаров номидан иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур контракт бўйича “Буюртмачи” хизматларни қабул қилиш ва тўлаш, “Хизмат кўрсатувчи” эса Буюртмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади:

№	Хизматлар номи	Жами ўқувчилар сони	Овқат кунлари	Миқдор (ҳажм)	Нархи	Суммаси
1	Хар бир талаба учун БХМ(базавий ҳисоблаш миқдори)нинг 10%и миқдорида бир кунда 3 маҳал овқатлантиришни ташкиллаштириш	200	67,07	13414	29900	401078600
2						
3						
....	Жами					401078600

1.2. Контрактнинг умумий суммаси **401078600** (Тўрт юз бир миллион етмиш саккиз минг олти юз) сўми ташкил қилади

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур контрактни ғазначилик органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30 % миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 5 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

2.2. Контракт нархи электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, контрактга қўшимча қелишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Хизмат кўрсатиш яқунлангандан кейин “Хизмат кўрсатувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин 10 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки хизматларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Хизмат кўрсатувчига”га юборади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, кўрсатилган хизматларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича томонлар ўртасида далолатнома тузилади.

3. КОНТРАКТНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур контракт белгиланган тартибда амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва контракт талаблари ва шартларига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Контрактни шартларини бажаришни бир томонлама рад қилиш ёки контракт шартларини бир томонлама тартибда ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида ўрнатилган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан аввал кўрсатилиниши мумкин.

3.5. Кўрсатилган хизматлар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан кўрсатилган хизматлар миқдори ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган хизмат кўрсатувчи билан контракт тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган хизмат кўрсатувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига роя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сакланиши учун жавоб беради.

4.2. Кўрсатилган хизматларни танлаб олмастик, шунингдек хизмат кўрсатувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни хизматлари кўрсатганда, хизматлари қабул қилиб олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) хизматлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, хизмат кўрсатувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) хизматлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Бажарилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Хизмат кўрсатувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган хизматларни кўрсатиш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар кўрсатилган хизматлар стандартлар, сифати, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, хизмат кўрсатувчидан сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар кўрсатганлиги учун жарима хизмат кўрсатувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Хизматларни кўрсатиш муддати ўтказиб юборилган ёки кўрсатилмаган ҳолларда Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеняларнинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошига цўл қўйилмайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни контрактни тегишли тарзда бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддатини ўтказиб юборилиши ёки кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу контракт бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиққан ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этган ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган шартларнинг мавжудлигига кўра томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февralидаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларнинг мавжудлигига кўра томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт фазначилик бўлиналарида мажбурий рўйхатга олинган вақтдан кучга киради ва 2022 й. “31” декабр гача амал қилади.



8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.

Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

Ижрочи
Ташкилот номи : “NASIM BOBO QAYUMOV” МЧЖ Манзил: Самарканд ш., А.Темур кўчаси, 162а-уй Телефон: +998915245555 Факс: +998915245555 СТИР коди: 204889619 ОКЭД: 10730 Х/Р: 20208000804311697001 Банк номи: ЎЗР ТИФ МБ Самарканд вилоят филиали МФО: 00278
Рахбар: Н.Қаюмов  М.Ў. (имзо)


Буюртмачи
Ташкилот номи: СамДУ академик лицейи Манзил: Самарканд ш., Рўдакий кўчаси, 237-уй Тел.: 232-40-84 Факс: 232-03-85 СТИР коди: 201538368 ОКОНХ: 92120 Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи: 400810860184017092500079003 Ғазначилик бўлини маси номи: УзР Молия вазирлиги ғазначилиги Ягона Ғазначилик Ҳисобварақлари (ЯҒХ): 23402000300100001010 Банк номи: МБ ХККМ Тошкент ш. МФО 00014 Ғазначилик бўлини маси ИНН рақами: 201122919
Рахбар (директор) А. Умаров  М.Ў. (имзо)


Ҳуқуқи нунос


Лицензия (диплом) № берилган санаси:

«__» _____ й

Ҳуқуқи нунос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

«__» _____ й


Юр. 007149 20.07.2019г